

Газни ҳисобга олиш электрон прибори кўрсаткичларининг архив маълумотлари (распечатка) Истеъмомлчи томонидан уч йил мобайнида сақланиши керак.

2.20. Етказиб берувчининг вакили ҳар ойда Истеъмомлчи билан биргаликда ҳисоблаш приборига сифат лабораторияси томонидан тақдим этиладиган газ таркиби бўйича тузатувчи ўзгартиришлар киритиши керак.

2.21. Ўлчов комплекслари ва газни ҳисобга олиш приборларидан фойдаланишда Истеъмомлчи қуйидаги талабларга риоя қилиши шарт:

газни ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш ва улардан фойдаланишнинг ишлаб чиқарувчи завод ҳамда амалдаги норматив ҳужжатлар талабларига асосан амалга ошириш;
газни ҳисоблагичдан фойдаланиш жараёнида Истеъмомлчи унинг ҳисоблаш механизми ва тузатиш блокини шикастланишдан асраши шарт;

газни ҳисобга олиш приборини тўсиқсиз кўздан кечиришни, шунингдек Етказиб берувчи вакилининг прибор индикаторидан кўрсаткичларни эркин олишини таъминлаш;
ишлаб чиқарувчи заводнинг ҳамда «Ўзстандарт» агентлигининг штамплари ва пломбаларининг сақланиши ва бутунлигини таъминлаш;

ўлчов комплекслари ва газни ҳисобга олиш приборларидан газнинг сизиб чиқишига йўл қўймаслик.

Агар газни ҳисобга олиш прибори ушбу банднинг тўртинчи — олтинчи хатбошиларида кўрсатилган талабларга жавоб бермаса, ўлчов комплекси ва газни ҳисобга олиш прибори носоз ҳисобланади ҳамда Истеъмомлчи аниқланган носозликларни бартараф этмагунгача ундан фойдаланмаслиги керак, фойдаланилган табиий газ учун Етказиб берувчи вакилининг охириги кўздан кечириш кунидан бошлаб пломбаланмаган газдан фойдаланиш асбоб-ускуналарининг бир суткада 24 соат ишлаши ҳисобидан амалга оширилади.

2.22. Истеъмомлчи томонидан ўрнатилган ҳисобга олиш приборини пломбалаш Етказиб берувчи томонидан қуйидаги ҳолатларда амалга оширилади:

газни ҳисобга олиш приборида ишлаб чиқарувчи заводнинг савдо белгиси мавжуд ва у бут бўлганда;

ҳисобга олиш прибори корпусида газ оқими ҳаракати кўрсаткичи мавжуд бўлганда (босим ўзгариб туришини ўлчаш учун мўлжалланган приборлардан ташқари).

2.23. Истеъмомлчи сутканинг йсталган вақтида Етказиб берувчининг вакилига, шунингдек назорат қилувчи орган вакилига ўлчов комплекслари, газни ҳисобга олиш приборлари ва газдан фойдаланиш асбоб-ускуналарини тўсиқсиз кўздан кечириши учун шарт-шароитлар яратиши шарт.

Агар Етказиб берувчи вакилининг кўздан кечириши учун Истеъмомлчининг ҳудудига киришига рухсат берилмаса, Истеъмомлчи томонидан фойдаланган газ сарфи учун ҳисоб-китоблар Етказиб берувчи вакилининг охириги кўздан кечириш кунидан бошлаб пломбаланмаган газдан фойдаланиш асбоб-ускуналарининг бир суткада 24 соат ишлаши ҳисобидан амалга оширилади.

2.24. Истеъмомлчи томонидан Етказиб берувчи вакилининг газ жиҳозларини кўздан кечириши учун рухсат бермаслик ушбу ҳолат юзасидан Далолатнома расмийлаштириш учун асос ҳисобланади.

Агар Истеъмомлчи Етказиб берувчининг вакилини ўз ҳудудига киришига рухсат бермаслик тўғрисидаги ёки газни ҳисобга олиш приборини тижорат воситаси сифатида тан олмаслик тўғрисидаги далолатномани имзолашдан бош тортса, Етказиб берувчи бир томонлама тартибда далолатнома тузади. Бунда газни ҳисобга олиш приборини текширишда иштирок этган Истеъмомлчи вакилининг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими, манзили кўрсатилади. Далолатномани Етказиб берувчи томонидан камида уч нафар шахс тасдиқлайди ва ушбу талаблар бажарилган ҳолатда далолатнома ҳақиқий деб ҳисобланади.

2.25. Агар ўлчов комплекси ва газни ҳисобга олиш приборлари ишдан чикса, Истеъмомлчи бу тўғрида Етказиб берувчини дарҳол хабардор қилиши, шунингдек ишламаётган газдан фойдаланиш ускуналарини пломбалаган ҳолда корхонанинг ва газдан фойдаланиш ускунасининг ишлаш жадвалини тузиши шарт.

2.26. Истеъмомлчида газ сарфи ҳажмининг ўзгаришига олиб келадиган қўшимча равишда газдан фойдаланиш ускуналари ўрнатиш, уларни реконструкция қилиш ва таъмирлаш режалаштирилса Истеъмомлчи Етказиб берувчидан реконструкция қилишга техник шартлар олиши шарт.

Юқорида кўрсатилган ишларни амалга ошириш натижасида Истеъмомлчида табиий газнинг йиллик ҳажми 100 минг куб метрдан ошса, шартномага ўзгартиришлар «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси ва «Ўздавнефтгазинспекция» томонидан берилган рухсатномалар тақдим этилганда киритилади.

Агар Истеъмомлчи бир ой мобайнида Етказиб берувчини Истеъмомлчининг мулкчилик шакли ва мулк эгаси ўзгарганлиги тўғрисида хабардор қилган бўлса Етказиб берувчи белгиланган тартибда шартномани қайта расмийлаштиради.

2.27. Газни ҳисобга олиш прибори ишдан чикқан тақдирда Истеъмомлчи бу тўғрида Етказиб берувчини бир сутка мобайнида хабардор қилади, газни ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини рўйхатдан ўтказиш қўшма далолатномасини тузишда Истеъмомлчига байпас орқали газдан фойдаланишга рухсат этилади. Бунда Истеъмомлчи газни ҳисобга олиш приборини таъмирлаш бўйича тезкор чоралар кўриши шарт.